



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 17 март

Булунғур тумани

4-1404-2301/445-сонли иш

Жомбой туманлараро иқтисодий суди судьяси Н.Э.Турсунованинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Яхёевнинг суд мажлиси котиблигида ХХХХнинг даъвогар – ХХХХ манфаатида жавобгар – ХХХХга нисбатан киритган даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни, Прокурор ёрдамчиси ХХХХ ҳамда даъвогар вакили ХХХХ(ишончнома асосида) иштирокида, ХХХХ биносида очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

ХХХХ даъвогар – “Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ манфаатида жавобгар – ХХХХга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унга кўра, жавобгар – ХХХХдан 22 770 596 сўм асосий қарз ва 10 519 631 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Даъво аризада баён этилишича, «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти (Корхона) ва ХХХХ - (Истеъмолчи) ўртасида юридик шахслар учун электр энергия таъминоти юзасидан шартнома тузилган. Тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра, даъвогар жавобгарга электр қувватини етказиб бериш, жавобгар эса, фойдаланилган электр қуввати учун тўловларни ўз вақтида ўтказиш мажбурияти юклатилган. Даъвогар шартномада кўрсатилган мажбуриятларини тўлиқ бажариб, жавобгарга электр қувватини етказиб берган. Бироқ, жавобгар томонидан тўловлар лозим даражада амалга оширилмасдан 01.02.2023 йил ҳолатига 22 770 596 сўм дебитор қарздорлик келиб чиқган. Шунга кўра, ХХХХ даъвогар манфаатида судга мурожаат қилиб, асосий дебитор қарздорликни ҳамда тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли, 2004 йил 1 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №511-сонли қарорига асосан пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган прокурор ёрдамчиси ХХХХ даъвогар Худудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти” ва жавобгар ўртасида шартнома тузилганлигини, даъвогар жавобгарга электр қувватини ўз вақтида етказиб берганлигини бироқ, жавобгар истемол қилинган электр қуввати учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмасдан оқибатида қарздорлик келиб чиқишига сабабчи бўлганлигини, даъвогарнинг манфаатини кўзлаб туман прокуратураси судга даъво ариза билан чиққанлигини баён қилиб, суддан даъво талабини қаноатлантириб беришни суради.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили И.Саримсақов судга, қўшимча хужжатлар тақдим этиб, бугунги кун ҳолатига тўловлар жавобгар

томонидан қисман амалга оширилганлигини билдириб, шунга кўра, суддан қолган асосий қарзни қаноатлантиришни сўради.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасига асосан ишни жавобгар вакилини иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, унга ҳуқуқий баҳо бериб, даъвогар вакилининг кўрсатмаларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар ўртасида «Худудий электр тармоклари» АЖ (Корхона) ва ХХХХ (Истеъмолчи) ўртасида юридик шахслар учун электр энергия таъминоти бўйича шартнома тузилган.

Шартнома шартларига кўра, «Корхона» «Истеъмолчи»га уланган тармоқлар орқали ушбу шартномада ўрнатилган шартлар ва қийматлар бўйича электр энергияси ва кувватини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса электр энергияси истеъмоли хақини ўз вақтида тулаш, ҳамда шартномада кўрсатилган электр энергияси истеъмоли тартибига риоя қилиш, унга қарашли электр тармоқларини ишлатишда ҳафсизлик чораларини кўриш ва электр истеъмоли билан боғлиқ бўлган ускуналарни ва ўлчов асбобларини тўғри ишлаш ҳолатини таъминлаш мажбуриятларини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар, мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

Мазкур кодекснинг 468-моддасида, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш ҳавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олиши кўрсатилган.

Шунга кўра суд, даъвогарнинг даъво талабидаги 22 770 596 сўм асосий қазни асосли деб деб ҳисоблайди.

Ушбу ҳолат иш ҳужжатларидаги тарафлар ўртасида тасдиқланган 01.02.2023 йилдаги акт-сверкада ўз аксини топган.

Бундан ташқари, даъвогар 01.11.2004 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №511-сонли қарорига асосан ўз вақтида тўланмаган дебитор қарздорлик учун 10 519 631 сўм миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.11.2004 йилдаги №511-сонли қарорининг 11-бандида, ҳисоб-китоб ойдан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, 1-иловага мувофиқ электр энергияси етказиб беришнинг махсус тартибига эга бўлган корхоналар учун эса — 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 2-бандида, шартномада пеня ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири хисобланади.

Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиш оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларин ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойкани адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли, бунда карздор мажбуриятни кай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳоли, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиши кераклиги, суд алоҳида ҳолларда карздор ва кредиторнинг манфаатларини хисобга олиб, кредиторга туланиши лозим булган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда, суд карздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, жавобгар ХХХХҳисобидан сўралган пенянинг 2 000 000 сўм қисмини ундиришни, пенянинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси 1-қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур модданинг 6-қисмига асосан, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Даъвогарнинг даъво талабида жами 33 290 227 сўмни ундиришни сўраганлиги сабабли, жавобгардан республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 665 804,54 сўм давлат божи ундириш лозим бўлади.

Юқоридаги ҳолатларга ҳамда моддий ва процессуал қонун нормаларининг талабларига асосланиб суд, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 22 770 596 сўм асосий қарз, 2 000 000 сўм пеня, олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати, шунингдек, республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига 665 804,54 сўм давлат божи ундиришни, даъво талабини қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118,176-180, 186-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

XXXXнинг даъвогар – «Худудий электр тармоқлари ” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар – XXXXга нисбатан киритган даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар – XXXXдан даъвогар «Худудий электр тармоқлари ” акциядорлик жамияти фойдасига 22 770 596 сўм асосий қарз, 2 000 000 сўм пеня ва олдиндан тўлаб чиқилган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар – XXXXдан Республика бюджетига 665 804,54 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ойлик муддат ичида биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан Жомбой туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция шикояти бериш(протест келтириш)га ҳақли.

Судья

Н.Э.Турсунова